



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 10 СОН

# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 10

# LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 10



ТОШКЕНТ-2020

**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожинова Дилором Бобожинова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон  
тиллари университети

**Зияева Доно Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Кебадзе Мадонна**  
доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия

**Агзамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети, Қозоғистон

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
Ўзбекистон Миллий университети

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат тиббиёт институти

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
профессор, Телавский государственный  
университет, Грузия

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Саипова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги  
Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Россия ФА, Санкт-Петербург  
Тарих институти

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор  
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон  
Миллий университети, Қозоғистон

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Ўзбекистон миллий университети

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон Давлат университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Талапов Бахриддин Алижанович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Наманган давлат университети

**Захидова Саховат**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
Ўзбекистон Миллий университети

**Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич**  
тарих фанлари бўйича  
фалсафа доктори, доцент  
Наманган давлат университети

**Махкамов Қодиржон Одилжонович**  
PhD, доцент в.б.  
Наманган давлат университети

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


<b>1. Равшан Ҳалимович Акбаров</b> ТУРКИСТОНДА БУТУНРОССИЯ ТАЪСИС МАЖЛИСИГА САЙЛОВЛАРНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ (ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	4
<b>2. Улуғбек Қўчқорович Исмоилов</b> ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ВА ХАЛҚИМИЗНИНГ ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИГИ.....	11
<b>3. Salamat Mamanuli Ktaybekov</b> LIU ZHI JUANNING "IPAK TARIXI" ASARIGA TARIXIY NIGOH.....	19
<b>4. Saidamirxon Mahmudov</b> ZAMONAVIY TARAQQIYOTNING YANGI BOSQICHIDA KOREYA-O'ZBEKISTON HAMKORLIGINING ISTIQBOLLARI.....	24
<b>5. Orifxo'ja Odilovich Mo`minov</b> ARXELOGIYADA QADIMGI HUDUDLAR LANDSHAFTLARINI TUZISHDA GATNING O'RNI.....	31
<b>6. Орифа Зулфикоровна Норова</b> МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИНИНГ МУЗЕЙШУНОСЛИК МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	38
<b>7. Жаҳонгир Давлатович Остонов</b> БУХОРО ИНҚИЛОБИ ЁХУД КОММУНИСТИК ИНТЕРВЕНЦИЯ? БУХОРО ВОҚЕАЛАРИГА ЯНГИЧА ҚАРАШ.....	44
<b>8. Мархабо Давлатовна Пардаева</b> ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН КУРАШИШДА МУТАФАККИР ЖАДИДЛАР ҚАРАШЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	51
<b>9. Рустамжон Султонмуродович Солиев</b> ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДА.....	58
<b>10. Юлдуз Бобокуловна Турсунова</b> ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН МУСУЛМОНЛАР ДИНИЙ ИДОРАСИ ТАРКИБИНИНГ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА АКС ЭТИШИ.....	62
<b>11. Санъат Ҳайитбоевич Хўжамов</b> ТОШКЕНТДАН ТОПИЛГАН ЯНГИ КУФИЙ ДИРҲАМ ТАНГАЛАР.....	69
<b>12. Наргиза Ғаниевна Қаландарова</b> БУХОРО ШАҲРИ АРХИТЕКТУРА ОБИДАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....	75

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

**Мархабо Давлатовна Пардаева,**  
Республика Маънавият ва маърифат маркази  
Бухоро вилоят бўлими раҳбари, фалсафа фанлари номзоди  
Marhabo.Pardaeva2020@gmail.com

## ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН КУРАШИШДА МУТАФАККИР ЖАДИДЛАР ҚАРАШЛАРИНИНГ ЎРНИ

**For citation:** Markhabo D. Pardaeva, THE ROLE OF THE JADID'S THINKING VIEWS IN THE FIGHT AGAINST ENLIGHTENMENT AGAINST IGNORANCE. Look to the past. 2020, vol. 10, issue 3, pp.51-57

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-10-8>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратилиб, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишнинг долзарб аҳамияти тадқиқ қилинган. Ёшларимизнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга оид амалга оширилаётган тизимли тадбирлар, шунингдек жадидларнинг жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозимлиги ҳақидаги фикрларини ўрганиш, тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эгаллиги таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Маърифат, жаҳолат, мафкуравий иммунитет, жадидчилик намояндалари, маънавий-маърифий тадбирлар.

**Мархабо Давлатовна Пардаева,**  
Руководитель Бухарского регионального  
отделения Республиканского центра духовности  
и просвещения, кандидат философских наук  
Marhabo.Pardaeva2020@gmail.com

## РОЛЬ МЫСЛИТЕЛЬНЫХ ВЗГЛЯДОВ ДЖАДИДОВ В БОРЬБЕ С ПРОСВЕТЛЕНИЕМ ПРОТИВ НЕВЕДЕНИЯ

### АННОТАЦИЯ

В статье уделяется особое внимание проводимым в нашей стране духовно-просветительским реформам и их содержанию, исследуется актуальное значение борьбы с невежеством и просвещением. Проанализирована важность укрепления духовного иммунитета нашей молодежи, систематические меры, принимаемые для осмысленного проведения свободного времени, а также изучение и пропаганда взглядов джадидов на необходимость борьбы с невежеством и просвещением.

**Ключевые слова:** Просвещение, невежество, идейный иммунитет, представители джадидизма, духовно-просветительская деятельность.

**Markhabo D. Pardaeva,**  
Head of the Bukhara regional branch of  
the Republican Center for Spirituality  
and Education, PhD in Philosophy  
Marhabo.Pardaeva2020@gmail.com

## THE ROLE OF THE JADID'S THINKING VIEWS IN THE FIGHT AGAINST ENLIGHTENMENT AGAINST IGNORANCE

### ABSTRACT

The article pays special attention to the spiritual and educational reforms carried out in our country and their content, examines the actual importance of the fight against ignorance and education. The importance of strengthening the spiritual immunity of our youth, the systematic measures taken to meaningfully spend their free time, as well as the study and promotion of the views of the Jadids on the need to combat ignorance and education are analyzed.

**Index Terms.** Enlightenment, ignorance, ideological immunity, representatives of Jadidism, spiritual and educational activities.

### 1. Долзарблиги:

Маълумки, жаҳондаги ҳар бир мафкура ёки ғоявий оқим инсоннинг қалби ва онгини ўз мақсадларига бўйсундирмоқчи бўлади. Ҳозирги глобаллашув жараёнида бундай мураккаб жараённинг асл сабабларини тушуниб, уларга қарши ақл ва билим билан курашиш талаб этилади. Мана шу жараён фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш маъносини билдиради. Жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш учун тафаккуримиз, интеллектуал салоҳиятимиз юксак бўлиши, замонавий илм-хунарлар, миллий ва умумбашарий кадриятларни пухта эгаллашимиз, энг муҳими, қалбимиз ва онгимиз фақат ўзимизга тегишли бўлмоғи лозим.

Ҳозирги вақтда инсоннинг қалби ва онгини бузиш, чалғитишга қаратилган зарарли таъсирлар бир қанча ғаразли мақсадларда амалга оширилаётганлигини сезиш қийин эмас. Шулардан энг хатарлиси халқ ёки миллат яшаётган мамлакат ҳудудини, у ердаги моддий ва маънавий бойликларни эгаллаб олиш ниятида қилинадиган мафкуравий-ғоявий ҳужумлардир. Бундай ҳужумлар оммавий ахборот воситалари, айниқса, Интернет, телерадио тармоқлари, экстремистик руҳдаги китоб ва рисолалар орқали тарқатилиши мумкин. Ҳозирги кунда дунё бўйлаб бир соатда 2 миллион сўз тарқалаяпти ёки улар саҳифаларга жойлаштирилса, 5 минг варақни (А-4) ташкил этади. Қандай шаклда бўлмасин, улар биринчи навбатда, ёшларни миллий ғурур туйғусидан, Ватанга муҳаббат ҳиссидан жудо қилиб, уларни маънавий жиҳатдан қарам этишга, халқнинг ичида низо қўзғаб, норозилик уйғотиб, бу замин бойликларини талашга уринади.

Аждодларимиз нима учун етук олим, маърифатпарвар, буюк бўлган? Чунки улар жаҳолатга берилмаган, кимнидир ғийбат қилиб, олтиндан қиммат вақтини зое кеткизмаган, ўзининг идроқини, қудратини илмга сарфлаган, билимини бойитган. Табиийки, илм бор жойда маърифат пайдо бўлади, маърифат қанча кучайса, жаҳолат чекинади.

Шу боис фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишга доимо тайёр туриш, сезгир ва хушёр бўлиб яшаш ўткир заруратга айланмоқда. Олим Муҳаммад Қуронов ўзининг “Эзгу ғоялар рўёби” номли қўлланмасида ҳар бир йигит, қиз четдан кириб келган фикр, ғоя, маълумотни “Буни тарқатаётган ким?”, “Нима мақсадда?”, “Менинг муносабатим қандай бўлиши керак” [6] деган уч савол билан кутиб олиши лозимлиги, ёшларимизни бу “тушунча”ларга қарши туришга ўргатишимиз лозимлигини уқтириб ўтади.

## 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умумқабул қилинган тарихий методлар – тарихийлик, тизимлилик, холислик тамойиллари, шунингдек муаммога цивилизацион ёндашув ҳамда қиёсий таҳлил усуллари асосида ёритилган.

## 3. Тадқиқот натижалари:

Шуни таъкидлаш лозимки, бирор бир давлатда Ўзбекистондагидек маънавиятга эътибор кучли эмас. Ёш авлод онгу шуурига маънавият, маърифат ёғдуларини сингдириш унинг камолотида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Чунки маърифат ғояга айлангандагина, у маънавиятни уйғотадиган ва реал кучга айлантирадиган омил сифатида намоён бўлади. Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий кадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди.

Инсоният қадим-қадимдан жаҳолатга, бидъат ва хурофотга қарши маърифат билан курашишга интилиб келади. Чунки, унга қарши куч ишлатилса, зўравонлик воситасида кураш олиб борилса, жаҳолат янада кучайиб кетиши мумкин. Жаҳолатга қарши маърифат усули ҳозирги даврда, XXI аср ибтидосида ғоят муҳим касб этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, жаҳонда ғоявий-мафкуравий курашлар кескин давом этаётган, маънавий таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда ёшлар ўртасида миллий кадриятларга беписандлик, зарарли ёт ғоялар таъсирига берилиш, жиноятчилик ва экстремизм ҳаракатларига адашиб қўшилиб қолиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда.

Аҳоли ўртасида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, жамиятда миллий ва умуминсоний кадриятларга асосланган демократик тамойилларни қарор топтириш; мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий ислохотларнинг, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка самарали етказиш; оила, маҳалла, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ва соғломлаштиришга қаратилган фаолиятда иштирок этиш, «маҳалла — туман — вилоят — республика» принципи асосида ҳудудлар кесимидаги ижтимоий-маънавий муҳит харитасини шакллантириш, бу жараёнга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш; «Жаҳолатга қарши маърифат» ғояси асосида жамиятда узлуксиз маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг стратегик йўналишлари, таъсирчан, креатив ва инновацион услубларини ишлаб чиқиш; тинчлик ва осойишталикка, мамлакатимизнинг барқарор тараққиётига, кадрият ва урф-одатларга ҳамда инсонпарварлик ғояларига хавф солувчи турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши самарали тарғибот ишларини олиб бориш; аҳолининг ижтимоий-маънавий ҳаётида бунёдкорлик ғояларини кучайтириш, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4307-сонли Қарори [1] қабул қилинган эди.

2019 йил 31 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сонли Қарори [2] эълон қилиниб, 8 боб ва 70 банддан иборат узлуксиз маънавий тарбия концепцияси илова қилинди. Шунингдек, ушбу концепцияда узлуксиз маънавий тарбияни оилада, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб-хунар ва олий таълим тизими, ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган ҳамда банд бўлмаган ёшлар ўртасида амалга ошириш бўйича вазифалар кўрсатиб берилди.

Хусусан, 2020 йил “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили” деб аталган экан, ҳар бир таълим муассасасида таҳсил олаётган ёшларнинг илм маърифат борасидаги инновацион ғояларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз қобилияти ва истеъдодини намоён қилишларида кенг имкониятлар яратиш асосий вазифалардан биридир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида [3] ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришга ҳам жуда катта эътибор берилганлиги, бежиз эмас. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенгликни таъминлашда ёшлар фаоллигини ошириш, мафкуравий иммунитетини юксалтиришда ҳар бир фаол ёш иштирок этиши лозим.

Турли зиддиятлар кучайиб бораётган бугунги дунё манзараларида ёшларимизнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ эканини замоннинг ўзи кўрсатиб турибди. Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 ташаббус бу борада жуда аҳамиятлидир.

Ҳозирги шароитда ёшларимиз маънавиятини юксалтиришда, маърифатли қилиб тарбиялашда аждодларимиз қолдирган миллий маънавий меросдан фойдаланиш, кекса авлод вакиллариининг ўғитларига амал қилиш жуда катта аҳамиятга эгадир. Хусусан, янгиликка, ислохотчиликка интилувчи, янгилик яратувчи фаолият билан машғул бўлган тараққийпарвар, илғор руҳдаги зиёлилар, яъни жадидларнинг жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозимлиги ҳақидаги фикрларини ўрганиш, тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Жадидчилик ҳаракати ва унинг намояндалари ўз мақсад-моҳиятига кўра, дастлабки кундан бошлаб маданий-маърифий, сиёсий ислохотчиликни бош мақсад ва вазифа қилиб кўяди. Туркистонлик жадидлар ўз ҳаракатида Ватанни озод ва обод қилиш, халқни ва миллатни ҳурриятга олиб чиқиш, тўқ ва фаровон, маданиятли ва маърифатли қилишга асосий эътиборни қаратдилар.

Мустақиллик йилларида нашр қилинган профессор Р.Шамсутдиновнинг “Тарихий меросимизга бир назар” (Андижон. «Мерос», 1994); “Истиклол йўлида шаҳид кетганлар” (Т., «Шарқ».2001), Шухрат Ризаев “Жадид драмаси” (Т.Шарқ, 1997); «Жадидчилик: ислохот, янгилик, мустақил тараққиёт учун кураш». (Тошкент, «Университет», 1999.), «Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида» («Шарқ», Т., 2000), “Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгилик, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик)” (Т., «Маънавият», 2001), “Ватан тарихи. Иккинчи китоб (XVI-XX аср бошлари)” Т.: Шарқ 2003) ва бошқа шулар каби бир қатор асарларда уларнинг бутун фаолияти маърифатчилик ғоялари билан суғорилганлигининг гувоҳи бўламиз. Айниқса, жадидларнинг миллий маданиятимиз раънақидаги хизматлари беқиёс бўлган. Уларнинг халқимиз, Ватанимиз шон-шухрати, истиқлоли учун курашдаги катта хизматлари эъзозланиши, қадрланиши, ҳозирги ва келгуси авлодлар қалбида чуқур из қолдириши керак.

Исмоил Гаспирали йўлга қўйган “усули жадид” мактабларини Туркистонда қарор топтиришда, уларни дарслик ва қўлланмалар билан таъминлашда жадидлар жонбозлик кўрсатди. Улар янги типдаги мактабларнинг миллий-маданий тараққиётимизда муҳим омил бўла олиши мумкинлиги ҳақида матбуот орқали халққа тушунтириш бериб бордилар.

Зиёлиларнинг ҳар бир алоҳида қатлами ўзларининг бутун кучини аҳолининг маданий савиясини кўтаришга ҳамда давлат аппаратини миллий кишилар билан кучайтиришга даъват қилди.

XX аср бошидаги маърифатчилик ҳаракати намоёндалари бойлик учун, шон-шухрат учун майдонга чиқишмаган. Жадидлар она Ватанни озод ва обод қилиш, миллат ва халқни ҳурриятга, мустақилликка олиб, чиқиш, тўқ ва фаровон, маданиятли, ўқимишли, саводхон, илмли қилиш учун бутун куч ва эътиборини маданий-маърифий ишларга бағишладилар. Тарихдан шу нарса маълумки, халқимиз кучлар нисбати тенг бўлмаганлиги туфайли чоризмнинг мустамлакачилиги урушида енгилди, сиёсий жиҳатдан, иқтисодий жиҳатдан бўйсундирилди.

Бу юзага келган машъум ҳолатнинг гувоҳи бўлган шарқшупос олим Н.Н.Веселовский (1848-1918) шундай ёзади. «Биз Туркистонга маданият олиб келдик, деб ўйлаймиз. Бўйсундирилган осиеликларга тинчлик ва осойишталик бердик, деб ўзимизни овутамиз. Аммо буларда бир олий туйғу борки, бу миллат ва унинг миллий ифтихоридир. Сиёсий ўлим (миллий давлатни йўқотиш) оғир, миллий ўлим ундан ҳам оғирроқдир. Бизнинг ҳукмронлигимизда улар (Туркистонликлар) худди шундай аҳволга тушдилар. Шундай миллий манфаатлар борки, улар халқ оч ёки тўқлигидан қатъий назар, бир кунмас бир кун ўзини намоён этажак» [9].

Жадидлар ривожланган жамият яратишдек ўз ғояларини амалга оширишда мутаассиблик, лоқайдлик, қоқоқликка қарши курашга алоҳида аҳамият берганлар. Бу вазибаларни амалга оширишда улар тараққийпарвар, билимли ёшларга таянганлар. Улар ўз ишларида Европа давлатлари тараққиётга қандай йўллар билан етиб келганлигини акс эттириб, тарихий мисоллар келтирганлар. Жадидлар тил ўрганиш ва фан-техника тараққиётининг аҳамиятига алоҳида эътибор бериб, Туркистоннинг ўтмишдаги ҳамда замонавий ҳолатининг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда, унинг келажагини тасаввур қилганлар.

Жадидлар халқнинг маданият даражасини халқаро савияга кўтаришни орзу қилганлар, бунинг учун эса, ёшларни Европанинг энг яхши ўқув масканларида ўқитиш зарур, деб ҳисоблаганлар. Улар давлат келажаги ёшлар кўлидалигини жуда яхши англаганлар.

Абдулла Авлоний миллат ва юрт қайғуси билан, мамлакат истиқболи ва равнақи эзгу нияти билан яшади ва у билан нафас олди, ўз асарларида уни куйлаб тараннум этди. Бу борада Авлонийнинг қуйидаги сўзлари ғоятда ибратлидир:

“Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигин кўрсатурғон ойнаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмоқ миллатнинг руҳини йўқотмақдур... Ёху, бизга на бўлди? Боболаримиз йўлидан чиқиб кетдук! Яхши кўшнингдан олгунча ёмон уйингни қидир, демишлар. Боболаримизга етишғон ва яратган муқаддас тил ва адабиёт бизга ҳеч камлик қилмас. Ўз уйимизни қидирсак ва ахтарсак, йўқотганларни ҳам топамиз. Йўқолса йўқолсун, ўзи бошимга тор эди, деб Европа қалпоғини киюб, кулгу бўлмақ зўр айб ва уётдур” [5].

Абдулла Авлоний барча жаҳолатликлар, қоронғуликлар ва нодонликларнинг, миллатнинг ўзлигини англамаслигининг асосида маърифатсизлик ётишини яхши кўра олди ва у авлодларга, фарзандларга, ўғил-қизларга панду-насиҳатлар қилиб, мактабга бориш, ўқиш, ўрганиш, илм олишга давъат этади.

Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг йирик вакилларида Маҳмудхўжа Бехбудий (1875-1919) [4] “Туркистон жадидларининг отаси” деб тарихда ном олган. У истиқлол учун курашнинг олдинги сафларида борган яловбардорлардан эди. Файзулла Хўжаев Бехбудий ҳақида бундай деганди; “Сиёсий, ижтимоий фаолияти, билимининг кенглиги жиҳатидан ўша замон Туркистонидаги жадидлар орасида унга тенг кела оладигани бўлмаса керак” [7].

Марҳум шарқшунос олим Лазиз Азиззода Бехбудийнинг собиқ Туркистон ўлкасининг ижтимоий, маданий ва адабий ривождаги ўрни, роли ва аҳамиятига жуда катта баҳо бериб, уни ҳатто француз маърифатпарвари Жан Жак Руссо, рус инқилобчи демократлари Н.Г.Чернишевский, Добролюбов, татар ва озарбайжон маърифатпарварлари Шаҳобиддин Маржоний, Қаюм Носирий, Мирза Фатхали Охундов, Наҳафбек Вазировлари билан қиёслаган. “Ўзбекистонда Навоий, Улуғбек каби буюк зотлар билан бирга Бехбудийга ҳам ҳайкал ўрнатиш керак” [8], деб ёзган эди.

Фитрат ўз она диёрини озод ва хур кўришни орзу қилади. Ўз ниятлари, эзгу армонларини амалга оширишда ожизлик қилган Абдурауф Фитрат улуғ бобоколонимиз соҳибқирон Амир Темурлар сингари миллат фидойиларини кўмсайди. У «Темур сағанаси» драмасида ўз қаҳрамони тилидан Амир Темурга мурожаат қилади: «Ҳоқоним, эзилиб таланган, таланиб йиқилган, йиқилиб яраланган турк элининг бир боласи сендан кўмак истарга келди. Боғлари бузилган, гуллари сўлган, булбуллари учирилган Туронни бир қорвули сенга арз этарга келди». Бундай мурожаат Фитратнинг бошқа асрлари мазмунига ҳам сингиб кетган. Улардаги асосий ғоя она юртни, Ватанни улуғлаш, халқ, миллатнинг

озодлиги ва эркинлигидир. Зеро, маърифатга интилган инсон учун, айниқса шоир учун бир томондан амир истибдоди, иккинчи томондан чор мустамлакаси зулми остида эзилган халқни, топталган юртни озод қўришдан ҳам улуғ ният бўлиши мумкинми? У «Сайҳа» тўпламига кирган «Менинг Ватаним» шеърида бундай деб ёзади; «Ватан, у менинг жоним таним, саждагоҳимдир.

У менинг тўлин ойим, тинч омонлигим, иззатим-шарафим.

Каъбам, қиблам ҳамда гулистонимдир». Ёки бошқа бир шеърида: «Йиғла бир оз, ўксизланган тилагим, мен ҳам сендай бахтсизликка туғилдим» [10], деб юрт тақдирдан қуёнади.

Юксак истеъдод соҳиби, маърифатпарвар шоир мустамлакачилик сиёсати авж олган даврда яшаб, ижод қилди. Чўлпон ўзининг бутун ҳаёти ва ижодини мустақиллик учун курашишга бағишлади. Адиб шеърларида миллий юксалиш, юртни севиш, уни тараққий топтириш, ҳақнинг миллий онгини уйғотиш масаласи асосий ғояни ташкил этади. Айни шу жиҳатлари билан ҳам Чўлпон асарларини чуқур ўрганиш униб-ўсиб келаётган ёш авлоднинг она Ватанимизга бўлган дахлдорлигини шакллантиришга туртки беради. Адиб босқинчилик, адолатсизлик ва ҳақсизликка қарши ўз нафратини ошкора баён этиб, жаҳолатга қарши маърифат билан курашган эди. У ўзининг “Халқ” шеъридаги “бутун кучни халқ ичидан олайлик, кучоқ очиб халқ ичига борайлик!” мисраси билан она юртига бўлган чексиз меҳр-муҳаббатини, миллий ғурур ва ифтихорини улкан маънавий жасорат билан намоён этган, десак муболаға бўлмайди.

#### 4. Хулосалар:

Донишмандлардан бири “Ҳар бир миллатнинг маънавий бойлиги унинг қанча китоб ўқишига қараб белгиланади”, деган экан. Улуғ адиб Чўлпон айтганидек, “адабиёт яшаса – миллат яшайди”. Китоб ўқиб, аждодларимиздан қолган бебаҳо меросимизни ўрганиш, уни ҳаётга татбиқ этиш ва ёшларимизга ўргатиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки ота-боболаримиз улуғлаган одамийлик, маърифат, поклик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, бағрикенглик борасидаги таълимоти, хусусан, унинг узвий қисмларидан бўлган ёшлар тарбиясига оид қарашларини чуқур ўзлаштириш ҳар томонлама комил насларни вужудга келтиришга катта ҳисса қўшади.

Хулоса қилиб айтганда, миллий тараққиётимизнинг келажак ривожини бевосита бугунги ёшларимизда таълим ва тарбия асосида шаклландирган тафаккур даражалари билан бевосита боғлиқдир.

#### Иқтибослар/Сноски/References:

- [1] “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сонли Қарори (Resolution President of the republic of Uzbekistan “On additional measures to increase the efficiency of spiritual and educational work“ dated may 3, 2019).
- [2] “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сонли Қарори (Resolution Cabinet of Ministers of the republic of Uzbekistan “On measures for the implementation and approval of the concept of continuous spiritual education” dated december 31, 2019).
- [3] “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 No. DP-4947 “On the Strategy for the Further Development of the Republic of Uzbekistan”).
- [4] Алиев А. Маҳмудхўжа Бехбудий. Т.: Ёзувчи 1994. (Aliev A. MahmudkhujaBehbudiy. T: Writer1994)

- [5] Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Т: Маънавият, 2004 (Uzbek literature of the period of national revival. T: Spirituality, 2004)
- [6] Муҳаммад Куронов “Эзгу ғоялар рўёби”. Тошкент: Маънавият-2011 (Muhammad Kuronov "Implementation of Good Ideas". Tashkent: Spirituality-2011)
- [7] Миллий давлатчиликни тиклаш ва озодлик учун кураш. Жади́дчилик ҳаракати // Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т. Шарқ, 2000. (Restoring national statehood and fighting for freedom. Jadid movement // New history of Uzbekistan. First book. Turkestan during the colonial period of tsarist Russia. T. Shark, 2000)
- [8] Ражабов Қ. Жади́длар истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамоси // Жади́дчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Т. Университет. 1999. (Radjabov K. Ideological leadership of the movement for the independence of the Jadids // Jadidism: the struggle for reforms, renewal, independence and progress. T. University. 1999)
- [9] Ўзбекистон тарихи. «Янги аср авлоди». -Т., 2003. (History of Uzbekistan."New generation". -T., 2003)
- [10] Ҳамидуллаев Б. Фитрат ва жади́дчилик. Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. (Khamidullaev B. Fitrat and Jadidism. T.: Publishing house of the National Library of Uzbekistan, 2007).

## ЎТМИШГА НАЗАР

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

## LOOK TO THE PAST

**№10 (2020)**

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000